*Олий Мажлис сессияси олдидан*

# Мамлакат дахлсизлигининг ҳуқуқий асоси

Парламентимизнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ҳамда Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини (иккинчи ўқишда) навбатдаги сессия муҳокамасига киритиш учун тайёрланди.

Аввалги сессиядан буён ўтган давр мобайнида қонунлар лойиҳалари юзасидан Олий Мажлис депутатлари, қўмита ва комиссиялари, вазирлик ва идоралар, сиёсий партиялар фракциялари ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Шу таклиф ва мулоҳазалар асосида қонунлар лойиҳаларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Янги таҳрирдаги «Мудофаа тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси Қуролли Кучларимизнинг тузилиши ва бошқарувини такомиллаштириш, армиямизнинг етарли даражада замонавий ускуналар билан таъминланишини назарда тутувчи нормалар билан тўлдирилди. Айни пайтда ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини ислоҳ қилиш эътиборга олинди. Лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Миллий хавфсизлик концепцияси, ҳарбий ва мудофаа доктриналари, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида» ва «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда Қуролли Кучларнинг таркиби ва уларни бошқариш масалаларига янгича ёндашилди. Мустақил давлатимизнинг қудрати унинг мудофаа салоҳиятига узвий боғлиқлигидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, халқимизнинг тинч ҳаёти ва бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш учун мақбул шарт-шароит яратишдек муҳим вазифалар қонун лойиҳаси мазмунига сингдирилди.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда мудофаа соҳасига тааллуқли халқаро конвенциялар ва шартномалар ҳам эътиборга олинди. Россия, Молдова, Украина, Эстония, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг мудофаа соҳасига бағишланган қонунлари муқояса тарзида ўрганиб чиқилди.

Бундан ташқари, икки сессия оралиғида қонунлар ижросини назорат қилиш ва таҳлил этиш масаласи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хоразм ва Фарғона вилоятлари Ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги жанговар тайёргарлик ва ўқув марказларида Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижроси ва кадрларни жанговар ҳамда жисмоний жиҳатдан тайёрлашнинг аҳволи ўрганилиб, қўмита йиғилишида муҳокама этилди.

Шу йилнинг 27-28 феврал кунлари қўмита ташаббуси билан «Мудофаа тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган семинар ўтказилди. Семинар ишида тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари мутахассислари фаол иштирок этдилар.

Қўмитанинг давлат идоралари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги анча фаоллашди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектлар томонидан тайёрланиб, Олий Мажлисга юборилган қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилишда қатор ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда. Мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган сиёсий партиялар фракциялари ва ташаббускор гуруҳ аъзолари билан алоқалар яхшиланмоқда.

Ҳозирги кунда қўмитада халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш борасида ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, қўмита томонидан тайёрланиб, Олий Мажлис сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳаларини халқаро ташкилотларда экспертизадан ўтказиш борасидаги ижобий тажриба ўз самарасини бермоқда. Бу эса қўмита иш фаолиятини янада жонлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**И.СОБИРОВ,**
**Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**





# Тилла узукка ёқут кўз

(Давоми. Боши 1-бетда).

...жой танлангани бежиз эмас. Бу ҳудудда азал-азалдан маданиятга дахлдор ташкилот-муассасалар, санъат масканларининг ўзига хос мажмуаси жамланган. Янги иморат уларнинг бир-бирига уйғунлигини янада такомиллаштиради. Таъбир жоиз бўлса, тилла узукка қўйилган ёқут кўздек ярашиб тушади. Ўтмишдошидан, аввало, ташқи кўринишининг бежиримлиги, ичининг кенг-баҳаволиги, барча шарт-шароитлар муҳайёлиги билан ажралиб туради. Жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб беради. Турдошлари орасида ҳар жиҳатдан МДҲда ягона ҳисобланади.

Инчунун, мажмуа ҳар бири уч қисмли ўқув ҳамда театр бўлмаларидан ташкил топади. Орган, камер, опера заллари олдингиларидан уч-тўрт баравар катта бўлиб, мутаносиб равишда 300, 350, 700 томошабинга мўлжалланади. Улар овознинг барча нуқтада бирдек яхши эшитилишини таъминловчи техник ускуналар воситасида жиҳозланади. Бу қулайликлар консерваторияда турли мавзуларга бағишланган фестиваль, кўрик-танловлар ва концертларни бемалол уюштириш имкониятини яратади. Алоҳида-алоҳида қурилган сабоқ ва машғулот хоналарининг девор-шифтлари товуш ўтказмайдиган бинокорлик ашёлари ила сайқалланади. Кутубхона, қироатхона, истироҳатхона, тамаддихона, спорт зали устоз ва шогирдлар хизматига мудом шай туради. Ўқув юрти қошидаги театр-студияга алоҳида саҳна ажратилади. Шарқ халқлари миллий мусиқалари лабораторияси ҳам ўзининг муқим қароргоҳи ва музейига эга бўлади. Мухтасар қилиб айтганда, Тошкент консерваторияси олий билим даргоҳи бўлишидан ташқари, мусиқа ижодиёти ва ижрочилиги ривожланган, миллий маданиятимиз тарғиботи намунали йўлга қўйилган маскан вазифасини ҳам ўтайди.

Зеро, куй-оҳанг чегара билмайди. Санъат эл танламайди. Мусиқа, хоҳ миллий, хоҳ хорижий бўлсин, қалбларни қалбларга туташтиради, халқларни ўзаро яқинлаштиради. Шу жиҳатдан олганда, консерваториянинг янги мажмуаси яқин келажакда муқаддас ва табаррук масканга айланади. Қалблари эзгуликка ошуфта ўғил-қизларимиз бу ерда жаҳон мусиқаси сир-асрорларини ўрганадилар. Улар орасидан, насиб этса, ўзбек миллий санъатини бутун дунёга ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ намойиш этувчи буюк истеъдодлар етишиб чиқадилар.

Иймонимиз комилки, қурувчиларимиз ана шундай холис ниятни дилларига жо қилган, зиммаларидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда тер тўкмоқдалар. Бу борада бош пудратчилар — «Туронмарказқурилиш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти, «Тошмуҳандисликқурилиш» ва 159-қурилиш трестлари ишчи-хизматчиларининг ғайрат-шижоатлари таҳсинга сазовордир. Негаки, уларнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмади. Бугунга келиб, қурилишнинг биринчи навбати деярли ниҳоясига етди. Ўқув бинолари тиклаб бўлинди. Эндиликда сувоқ ва пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунёдкорлар уни истиқлолнинг ўн йиллик байрами арафасида ўз соҳибларига топширишни мўлжалламоқдалар. Бу уларнинг консерватория талабалари ва профессор-ўқитувчиларига бебаҳо туҳфаси бўлади.

**Носир ТОШЕВ,**
**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

**СУРАТЛАРДА: олий мусиқа ўқув юрти янги биноси қурилишидан лавҳалар.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**




Бухоро туманида Сафар Жўраевни яхши билишади. У бош бўлган фермер хўжалиги тасаруфида 10 гектар экин майдони бор. Сафар ота ўтган йили 4 гектар ғаллазордан 50 центнердан, 6 гектар пахта майдонидан эса 45 центнердан ҳосил кўтариб, оиласини ва сафдошларини бойитганди. Бу йилги аҳди ғалладан 60, пахтадан 50 центнердан ҳосил олиш. Бугунги кунда бир текис бошоқлай бошлаган ғалла ниҳолларию кўкка бўй чўзаётган ғўзалар фермер ниятлари рўёбга чиқишидан далолат бериб турибди.

***СУРАТДА:** фермер Сафар Жўраев набираси Неъматжон билан ғаллазорда.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Ихчам сўров*

# Сиз V сессиядан нималар кутяпсиз?

## Мухбиримиз худди шу савол билан депутатларга ва сайловчиларга мурожаат қилди

### ДЕПУТАТЛАР

**Қадам НУНИЁЗОВ (210-Урганч округи):**
— Ислоҳотларни жорий этиш йўлида сессия муҳим марра бўлишига ишонаман. Янги қабул қилинажак қонунлар ишларимизга қанот бахш этиши керак.

**Йўлдош ЖЎРАЕВ (132-Сирдарё округи):**
— Сессиядан кейин ҳуқуқий давлат асослари янада мустаҳкамланишига ишонаман, айрим қатламдаги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тартибга солингач, адолат қарор топишида амалий натижаларга эришишимиз муқаррар.

**Эркин АЪЗАМОВ (135-Шеробод округи):**
— Жуда кўп нарса кутяпман. Дилимдаги фикрларни бир-икки жумлада ифодалашнинг имкони йўқ.

**Зоҳидилла МИНАВВАРОВ (83-Чуст округи):**
— Ҳар бир сессия халқимиз интилаётган олий мақсад — ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилишида навбатдаги босқич, деб биламан. Бунинг учун ҳаётимизнинг турли соҳаларини қамраб олувчи қонунларни мунтазам такомиллаштириб бориш тақозо этилади. Ушбу сессия кун тартибига киритилган қонунлар лойиҳалари ўзининг кенг қамровлилиги туфайли алоҳида аҳамиятга моликдир.

### САЙЛОВЧИЛАР

**Анвар ОБИДЖОН (Тошкент шаҳар Юнусобод тумани):**
— Суд ва прокуратура идоралари фақат жазоловчи эмас, аввало, халқнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳомийси бўлиши керак. Одамлар ҳуқуқ-тартибот идораларидан сўнг бошқа ерлардан нажот излашмасин. Худди шундай шароит яратувчи қонунлар қабул қилинишини кутаман.

**Абдубанно ХОЛМОНОВ (Наманган вилояти Уйчи тумани):**
— Қонунларимиз ҳаётимизни яхшилашга хизмат қилиши табиий. Айни пайтда уларнинг сўзсиз ижросини таъминлайдиган кафолатлар яратилишини кутаман.

**Мамазиё ҚОДИРОВ (Фарғона вилояти Бағдод тумани):**
— Шу сессияда ўтган йил бюджети ижроси ҳам муҳокама қилинади. Босиб ўтилган йўлга баҳо бериш асносида хўжалик юритиш механизмидаги сабоқлар ҳам таҳлил қилинади, деб ўйлайман.

**Асқар ЖАЛИЛОВ (Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани):**
— Қонунлар ҳар тарафлама ҳаётий заминга таянсагина кучли ва пухта бўлади. Депутатларимиз ана шу мезонга амал қилишларини кутамиз.

# Ҳукумат комиссияси йиғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда).

Амалга оширилган мақсадли ишлар натижасида 2001 йил биринчи чорагида зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони 139 тадан 77 тагача камайтирилди, 31 та иқтисодий ночор йирик корхонадан 10 тасининг тўловга лаёқатлилиги тикланди. Хўжалик судлари томонидан 311 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Уларнинг 227 таси тугатилди ва банкрот корхоналар давлат рўйхатидан чиқарилди. Ишга совуққонлик билан муносабатда бўлгани ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилгани учун 9 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилди, 11 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. 16 та корхонага доир материаллар корхоналарни иқтисодий ночорлик ҳолатига туширгани учун раҳбариятга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриб чиқиш мақсадида прокуратура органларига топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ҳудудий комиссиялари раҳбарларига биринчи чорак мобайнида зарар кўриб ишлашга барҳам бериш ва корхоналарни иқтисодий ночорликдан олиб чиқиш борасида камчиликларга йўл қўйганлиги кўрсатиб ўтилди.

Комиссия, шунингдек, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссия тақдим этган 40 та корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти аҳволини ҳам кўриб чиқди ва уларни молиявий соғломлаштириш, истиқболсиз корхоналарни эса тугатиш бўйича аниқ чоралар белгилади.

Тўловга лаёқатлиликни тиклаш истиқболига эга бўлмаган 4 та корхонага нисбатан банкротлик жараёнини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**(ЎзА).**

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»:**

# КРЕДИТ – ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИГА

Акциядорлик тижорат «Ўзсаноатқурилишбанк»и республикамиз иқтисодиётининг базавий тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини кенг миқёсда молиялашни амалга оширмоқда. Ушбу мақсадлар учун марказлашган ресурслар билан бир қаторда у ўз маблағларидан ҳам кенг фойдаланаётир. Шу билан бирга, ҳам узоқ муддатли, ҳам ўрта муддатли кредитлашни амалга ошириб келмоқда. Бу қандай самара бераяпти?

Банк томонидан иқтисодиётнинг реал секторига кўрсатилаётган молиявий ёрдам натижасида Андижон вилоятида йирик тўқимачилик мажмуи — «АНТЕКС» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ишга туширилди. Пахта хомашёси ва маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш тўғрисидаги ҳукумат қарорига асосан, «Ўзсаноатқурилишбанк» мазкур мажмуа объектларининг қурилишига қарийб 900 миллион сўм маблағ ажратган эди. Натижада «АНТЕКС»га Швейцариянинг «Лемано Трейдинг Ко» фирмасидан 420 минг АҚШ доллари, «Дойче Банк» (Германия)дан 1,9 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит жалб қилинди. Ушбу кредитлар эса аллақачон тўлиқ ўзлаштирилган. Чет элдан келтирилган йигирув, тўқув ва тикув дастгоҳлари тўла қувват билан ишламоқда. Айни кунларда ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспортга чиқариш юзасидан шартномалар тузиш жараёни давом этмоқда.

Маҳсулотни жаҳон стандартларига мувофиқ ишлаб чиқариш мақсадида корхонада «Ритер» (Швейцария), «Савио» (Италия) фирмаларининг йигирув ускуналари ўрнатилган. Улар ёрдамида йилига 2,7 минг тоннадан ортиқ калава ишлаб чиқаришга замин яратилди.

Маълумки, тикувчилик соҳасида юқори технологик жиҳозларни қўллаш жаҳон бозорига рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини беради. Бу ерда Италиядаги «Сомет» фирмасининг 48 та тўқув дастгоҳи ва чет эл ускуналарининг ўрнатилиши туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам деярли 300 минг погон метрга етди.

Ўтган йили «АНТЕКС»да бир миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми бундан ортса ортадики, аммо кам бўлмайди. Корхонанинг барқарор ишлаётгани шундан далолат бермоқда.

Қувонарлиси, «АНТЕКС»да тайёрланаётган маҳсулотларнинг жаҳон стандартларига мос келиши уни четга кенг миқёсда сотишда қўл келмоқда. Ҳозирги пайтда жами 177 минг долларлик 115 тонна калава Латвияга жўнатилмоқда. 870 минг АҚШ долларилик маҳсулотни эса тез орада Италияга жўнатиш режалаштирилган.

Андижон вилоятининг аҳоли кўп яшайдиган ҳудудида «АНТЕКС» тўқимачилик мажмуининг ишга туширилиши айни пайтда қўшимча 600 ишчи ўрнини яратиб, бандлик муаммосини ҳал этишга кўмаклашди.

Шу билан бирга, республика иқтисодиётининг ривожланишида кимё тармоғининг аҳамиятини ҳисобга олиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги реформинг печи учун Япониядан реакция қувурларини сотиб олишга ҳам 5,9 миллион АҚШ доллари миқдорида валюта кредити ажратилди. Эски қувурларнинг янгисига алмаштирилиши ўз навбатида йилига 475 минг тонна аммиак ишлаб чиқариш имконини беради. Аммиак эса бирлашманинг экспортга мўлжалланган асосий маҳсулоти — карбамид ишлаб чиқаришда ярим фабрикат ҳисобланади. Шу боис ҳозирги кунда корхонада экспорт ҳажми 1 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йили инвестицион мақсадларга банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан ҳам жами 896,5 миллион сўмлик кредит ажратилди. Шундан 706,9 миллион сўм Қарши, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг учта автосервис мажмуи қурилишига йўналтирилди. Қолган маблағлар «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Хива заргарлик заводини қайта жиҳозлаш (108,0 миллион сўм) ва «Олтин Дери» қўшма корхонаси қурилишига (81,9 миллион сўм) ишлатилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 120 миллион сўмлик инвестицияси туфайли Хоразм вилоятида ҳам бир кеча-кундузда 750 та машинага хизмат кўрсата оладиган автосервис мажмуи ишга туширилиб, қўшимча равишда қарийб 40 та иш ўрни яратилди. Яқин кунларда эса Самарқанд вилоятида бир кеча-кундузда 750 та машинага хизмат кўрсата оладиган автосервис мажмуи фойдаланишга топширилади.

Айтиш жоизки, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча кредитлари Марказий банк томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган, имтиёзли фоиз ставкаси бўйича тақдим этилмоқда. Муҳими, унинг бутун фаолияти иқтисодиётнинг реал секторига кредит қўйилмаларини кўпайтириш стратегиясини амалга оширишга қаратилган бўлиб, бу мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, фуқароларнинг фаровонлигини оширишга ёрдам бераётир.

**Акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки — «Ўзсаноатқурилишбанк» Матбуот хизмати.**

# Инвестиция лойиҳалари қандай амалга оширилмоқда?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилишда хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш мўлжалланаётган Урганч шаҳридаги "Турон-текстил", Янгиариқ туманидаги "Хоразм-текстил", Урганч туманидаги "Хоразм-Нуртон", Боғот туманидаги "Боғот тўқимачилик мажмуи" каби инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши кўриб чиқилди.

Вилоятда сайёҳликни ривожлантиришнинг аҳволи, хусусан, Хива шаҳрида халқаро талабларга жавоб берадиган меҳмонхона, Урганч шаҳридаги "Хоразм" меҳмонхонасини таъмирлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Шу билан бирга, "Ўздонмаҳсулотлари" корпорацияси, "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Хоразм вилоятидаги айрим ташкилотлар томонидан қарорда белгиланган инвестиция лойиҳаларини бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётгани кўрсатиб ўтилди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» банки ва республикадаги бошқа йирик банкларга Хоразм вилоятида инвестиция фаолиятини жадаллаштириш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда вилоят иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этадиган ва экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзда тутган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари белгилаб олинди, тегишли вазирлик ва идораларга аниқ кўрсатмалар берилди.

**(ЎзА).**

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони

# Умрим баёни

*(Давоми. Боши газетанинг 18 апрел сонида).*

Сталиннинг ўлимидан кейин мамлакат раҳбарлигига ўтирганлар орденбозликка берилиб кетдилар. Хрушчёвнинг орденхўрлиги ҳолва экан. Брежнев шимининг тиззасигача орден тақди. Ўттиз мартача «Олтин юлдуз» олди. ГДР, Чехословакия, Куба, Болгария, Польша, Венгрия, Мўғулистон каби мамлакатларнинг ҳам уч-тўрт мартадан Қаҳрамони бўлди. СССРнинг беш марта «Олтин юлдузи»ни тақди. Рассомлар унинг чап кўкрагини ўнг кўкрагига қараганда икки марта кенг қилиб, ҳамма ордену медаллар сиғадиган қилиб чизардилар. Брежнев юрганда бутхона қўнғироқлари жаранглаганга ўхшаш овоз чиқарди.

Мен қамоқдан қайтиб келганимда, совуқ уруш музлари бир қадар эриб, мамлакатлар ўртасида илгари ҳеч қачон бўлмаган борди-келдилар бошланган эди.

Сут ичиб оғзи куйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деган гап бор. Кўпчиликка аралашмай, уйда ўтириб, ҳикоя устига ҳикоя ёздим. Ўша пайтларда ҳикоячилик сусайиб, газеталар ҳикояга зор бўлиб турган экан. Ҳар куни бўлмаса ҳам кунора, ҳар уч кунда ҳали у газетада, ҳали бу газетада ҳикояларим босиларди. Радио ҳаммасини битта қўймай эшиттирарди. Ёзганларимга радио ҳам, газеталар ҳам дурустгина қалам ҳақи тўлашарди. Киностудия учун рус фильмларини ўзбекчага ағдарардим.

Оиладаги иқтисодий қийинчиликларни енгишимда менга беғараз ёрдам берган радио редактори Жонрид Абдуллахоновдан, киностудия редактори Маннон Ғанидан беҳад миннатдорман. Шулар туфайли паторат топган рўзғоримни жуда тез тиклаб олдим.

Бир йил ўтар-ўтмас, кейинги ёзганларимни тўплаб нашриётга топширдим. «Ойдин кечалар» деб аталган ушбу китобимни жуда тез босиб чиқаришди.

— Бўлди энди, — деди бир куни Абдулла Қаҳҳор, — паранжини ташланг! Эркак кишининг уйда ўтираверишини жуда хунук нарса. «Муштум» билан гаплашиб қўйдим, ўша ерда ишлайсиз. Туринг ўрнингиздан, Саида тагингизни супуриб олсин. Эртадан иш бошланг. Улфатчиликларни йиғиштиринг. «Уёқ»дан келганлар бир-икки йил кузатувда бўлади, дейишади. Ҳушёр бўлинг. Одамларни кулдираман, деб валақлайверманг.

Секин-секин ишларим юриша бошлади. «Ҳукм» деган қисса ёздим. Уни москвалик машҳур ёзувчи Николай Асанов рус тилига таржима қилди. Шу қисса бир йилдан кейин украин тилида Киевда босилди.

Қишлоқларни кўп кезадиган бўлдим. Ёзёвон чўлларига «ишқим» тушиб қолди. Йилига икки-уч марта борадиган бўлдим.

Шу чўл одамлари тўғрисида бир роман ёзсам, деб ният қилдим. Бу ишни аввал ҳикоялар ёзишдан бошлашим керак. Ҳикояни муайян мавзуга разведка деса ҳам бўлади. Шундай қилиб, чўл мавзуси мени бутунлай ўзига тортиб кетди.

Минг тўққиз юз эллик еттинчи йилнинг эрта кўкламида Фарғонага боргандим. Қадрдоним, ёзувчи Адҳам Ҳамдам менга Марказий Фарғона чўлларини кўрсатмоқчи бўлди.

Ўша кезларда водий ўртасида пўстакдек бўлиб, минг-минглаб гектар ерни эгаллаб ётган чўлни ўзлаштириш авж олиб кетган эди.

Бир вақтлар қамишлар орасида пайдо бўлган Эшон тўпи қишлоғи томон борардик.Арижўга ариғидан отини суғориб чиқаётган бир кишига рўпара келдик. Унинг оти ҳам, кийган тўни ҳам, ўзи ҳам қоп-қора эди. Худди чўяндан қуйилганга ўхшарди. Фақат бошидаги дўпписининг кашта сигина оқ эди, холос.

У қамчисини кўксига қўйиб, сал эгилганча салом бериб ўтиб кетди.

Мен Адҳамдан «Бу киши ким?», деб сўрадим.

— Уни чўл бўриси, дейишади. Бу тўқайларда кечалари ҳам милтиқсиз бир ўзи юраверади. Жуда довюрак одам. Уч марта бўри билан олишиб, бўғиб ўлдирган. «Қора қишлоқ»нинг этагидаги тўқайдан ер очган. Икки йилдан бери шоли экарди. Бу йил пахта экмоқчи...

Адҳам билан тўрт кун чўл кездим. Қаерга бормай, нима қилмай, чўл бўриси кўзимдан кетмайди. Шу одамни бирорта ҳикояга қаҳрамон қилиб олсаммикан, деган ният туғилиб қолди. Номи жуда хунук-ку, дейман ўзимга ўзим. Одамни бўри деб ёзиш қанақа бўларкин? Бирдан миямга лоп этиб, уни бўри эмас, бургут деб қўя қолсам бўлмасмикин, деган фикр келиб қолди.

Ана шундай кейин уни бургут қиёфасида тасаввур қила бошладим.

Ўзидан ўзи воқеалар, деталлар туғилаверди.

Тошкентга келиб, ҳикояни ёздим. «Ўзбекистон маданияти»га бердим.

Газетада чиққанда кўрсам, ҳикояга менинг номимни ёзишни унутишибди.

Редакциядагилар, келинг, тузатиш бериб ўтирмайлик, давомини ёзиб бера қолсангиз, боши ўтган сонда босилган, деб чиқазамиз, дейишди. Тўлиб турган эканман, ўша куни кечасиёқ давомини ёздим. Эртасига яна битта, индинига яна битта ҳикоя ёздим.

Ҳикоялар кетма-кет босилаверди. Ким билади, газета хато қилмаганда, ўша битта ҳикоядан кейин бошқалари ёзилмай қолиб кетармиди?

Чўл мавзуи мени жуда қизиқтириб қолди. «Саодат» журналининг илтимоси билан «Лочин» деган ҳикоя ёздим.

Адҳам Ҳамдам Фарғонада мени бир кекса олим билан таништирган эди. У киши Фарғона пединститутида биологиядан дарс берарkan, ўрик ҳақида кандидатлик диссертациясини ёқлаган экан. Энди калламда ўрик, деган гап айланаверди. Ўша одам тўғрисида нимадир ёзгим келаверди. Ҳикоянинг номи албатта «Ўрик домла» бўлиши керак.

Ўрикнинг турли навлари, қандай пайванд қилиш, найча пайванд, куртак пайвандлар тўғрисида сўраб-суриштириб, анча нарсаларни билиб олдим. Ниятим — бир фидойи боғбон образини яратиш эди. Шу боғбоннинг фаолияти бевосита Ёзёвон чўлларига алоқадор бўлиши керак.

Ҳикоя, менимча, ёмон чиқмади. Ҳам кулгили, ҳам одамни ўйлатади.

Уни кўтариб «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси редакциясига олиб бордим. Ўқиб, тезда чиқаришга ваъда бериб, олиб қолишди. Лекин орадан қанча вақт ўтса ҳам чиқавермади. Нега бундай бўлаётганини билиш учун редакцияга бордим. Ҳикояни қайтариб беришди. Босиша олмасмиш. Партия матбуотига бунақа кулгили нарсалар тўғри келмасмиш. Улар билан сан-манга бориб ўтирмай, ҳикояни қайтариб олиб кетдим. Ўша куниёқ уни «Ўзбекистон маданияти» газетаси редакциясига обориб бердим. Ўқиб, роса кулишди. Редактор ҳикоянинг биринчи саҳифаси тепасига навбатдаги сонда босилсин, деб ёзиб имзо чекди. Мен шунда «Совет Ўзбекистони»дагилар ҳикояни тушунмай, қайтиб берганини айтиб қолдим. Редакторнинг ранги ўзгарди. Нега, деб сўради. Билмадим, деб жавоб қилдим.

— Бўлмасам, мундай қилайлик. Мен улардан нимага босишмаганликларини сўрай.

— Сўраб нима қиласан? — дедим ажабланиб.

Редактор билан бирга катта бўлган ўртоқ эдик. Бир-биримиз билан сенлашиб гаплашардик.

— Сўраган яхши-да, ҳарқалай, отахон газета. Тажрибаси ҳам катта.

Балки бирон сиёсий томонини кўзда тутиб босишмаётгандир?..

Қўрқиб кетдим. Сиёсий, сиёсий хато, деган сўзлардан юрак олдириб қўйган одамман.

— Ундай бўлса, қайтариб берақол,- дедим-у, кулишимни ҳам, йиғлашимни ҳам билмай, ҳикояни қайтариб олиб кетдим.

Орадан икки-уч ой ўтиб, бахтсиз муҳаббат тўғрисида бир ҳикоя ёздим.

Биттагина ҳикояни оборамамни, деб ёнига «Ўрик домла»ни қўшиб «Шарқ юлдузи»га олиб бордим. Асқад Мухтор редактор эди. У иккала ҳикояни ҳам ўқиб, маъқул топди. Албаттта, босамиз, деди.

Мен унга «Ўрик домла» иккита газетадан қайтганини кўрка-писа айтдим. Агар Асқад ҳам ланжлик қилса, ҳикояни йиртиб ташламоқчи эдим.

Йўқ, Асқадга ёқди.

— Уларга ёқмагани бизга фойда бўлди, — деди у жиддий.

Орадан бир ярим ой ўтиб, журналда «Икки ҳикоя» умумий сарлавҳаси остида «Пойқадам» ва «Ўрик домла» босилиб чиқди. Ҳикоя кўпчиликка маъқул бўлди.

«Совет Ўзбекистони»нинг адабиёт бўлими мудири Рамз Бобожон телефон қилиб қолди.

— Ҳў, мен ўқиган ҳикоянг бор эдику, опкел босамиз.

— Нега бирдан ўзгариб қолдинглар? — дедим ажабланиб.

— Кечирасан, оғайни, ашипка бўпти. Редакция катталаридан бирининг лақаби «ўрик» деб эшитгандим. Кейин билсам, лақаби ўрик эмас, «луччак» экан. Опкел ҳикояни.

Мен ҳикоя журналда босилганини айтдим.

— Э, аттанг, яхши ҳикоя эди-я...

Ҳикоя тез орада турли тилларга таржима қилинди. Аммо тожик тилидагиси босилмай қолиб кетди. Душанбедаги энг катта тожик ёзувчиларидан бирининг лақаби «Зардоли» («Ўрик»)экан.

Шундай қилиб, «Чўл бургути»нинг сўнгги ҳикояси шу тариқа дунё юзини кўрган эди.

Ёзёвон чўллари тўғрисида ҳикояларни кўп ёздим. Олтмиш биринчи йилнинг эрта баҳорида Миртемир домла билан Фарғонага бордик. Дўстим Адҳам Ҳамдам, баҳорда чўл жуда чиройли бўлади, деб бизни яна Марказий Фарғонага олиб борди. Айтганича бор экан. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Толларнинг чўғдек қизил новдаларида хандон пистанинг мағзидек оч яшил куртаклар «ана ёриламан, мана ёриламан» деб турибди. Тўрғайлар бошингиз тепасида муаллақ туриб чулдирашади. Яланғочланиб қолган сап-сариқ тўқайларда ўрдаклар ғағиллайди. Бақа қуриллаб турган келган лайлаклар ҳувиллаб қолган шолипоялар тепасида айланиб, емак излашади.

Ёзувчи ва журналист Йўлдош Шамшаров билан «Янги ҳаёт» колхозида учрашиб қолдик. У туғилган қишлоғи Олмосга олиб бораман, деб туриб олди. Олмосни парилар юрти, деб эшитардик. Бу ерликлар бошқа томонга қиз беришмасди. Ёзувчилик экан, париларни кўргимиз келиб қолди. Олмос бутунлай тескари томонда, Чустнинг тоғли қишлоғи.

Адҳам билан шу ерда хайрлашиб, йўлга тушдик. Боришимиз билан Миртемир домланинг инжиқлиги тутиб қолди. Қарасам, иситмаси баланд. Доктор чақирайлик, десам кўнмайди. Кетаман, Тошкентга кетаман, деб икки оёғини битта этикка тиқиб туриб олди. Бир пиёла чой ичиб-ичмай, орқага қайтдик. Попдан ўтиб, Сирдарё кўпригига яқинлашганимизда, бўрон бошланди. Қўқоннинг машҳур тўнка кўчирар шамоли авжга чиқди. Машинанинг орқа эшиги қулфланмас экан. Ҳадеганда очилиб кетаверди. Бир қўлим билан тортиб ушлаб кетяпман. Кўприкдан ўтишимиз билан қум бўрони бошланди. Чала ёпилган эшикдан шитир-шитир қилиб ичкарига қум киради. Ташқарида бўрон қумларни шопириб гувиллайди. Қоронғи тушган, учаётган қумлар қуюнидан йўл кўринмайди. Мақсадимиз — тезроқ Қўқонга етиб олиш-у, домлани «Андижон — Тошкент» поездига ўтқазиб юбориш. Машина эмаклаётгандек имиллайди. Бу имиллашда поездга илинмай қолиб кетишимиз мумкин. Моторнинг шовқинига бўроннинг гувиллаши қўшилиб бўридек увиллайди.

Домла иситма аралаш инқиллайди. Данғара гузаридан тахминан беш километрча ўтганимиздан кейин қум ҳамласидан қутилдик.

Қўқон станциясига минг азоб билан етиб келдик. Хайрият, Андижон поезди ҳали кетмаган экан. Йўлдош ака билан Миртемир домлани поездга ўтказиб, ўзим Қўқонда қолдим.

Қўқон театрида менинг «Ҳасан билан Ҳусан» деган комедиям қўйилаётган эди. Премьерага чақиришганда келолмаган эдим. Шуни кўриб кетмоқчи бўлдим. Меҳмонхонадан театрга телефон қилган эдим, эртага уни Ганжиравон қишлоғининг маданият саройида кўрсатишларини айтишди. Ганжиравон. Шу сўзни эшитганимда болалигим эсимга тушади. Ён қўшнимиз қўқонлик эди. Хотини — ёшгина келинчак, бостирма йўлакка шолча тўшаб, тиззасида кашта тикиб ўтирарди. У жуда шикаста овозда, ғалати бир қўшиқ хиргойи қиларди.

Қўшни хотинларнинг гапига қараганда, у қишлоғида бир йигитни яхши кўриб қолган экан. Отаси бошқа бир кишига эрга берган, эри уни Тошкентга кўчириб олиб келган экан.

Мен унинг қўшиқларига қулоқ солиб, ҳайрон бўлиб ўтирардим.

***Мен сени кўрдим бугун
Ганжиравон кўчасида...***

Театр эртага Ганжиравонда томоша кўрсатишини билганимдан кейин келинчак ошиқ бўлган йигитнинг юртини кўргим келди. Бироқ меҳмонхонада ётиб ётолмадим, туриб туролмадим. Ёзёвон тўғрисида ҳамма нарсани ёзиб бўлдим, деб ўйлаганим бекор экан. Эрталабгача у ёнбошимдан бу ёнбошимга ағдарилиб, бугун чўлларда кўрган кишиларни, манзараларни ўйлаб кетдим.

Бояги қум бўрони қаттиқ таъсир қилган экан, сира кўз олдимдан кетмади. Шу бўрон тўғрисида бир нима ёзсам бўлмасмикин, деб ўйладим. Шошма, дедим ўзимга ўзим, инсон ва стихия деган мавзуни олсам қандай бўларкин? Ахир, Ёзёвон чўлларида дўл-селлар кўп бўлади. Бўрон турганда кўчма қумлар ҳар куни неча марталаб жойдан-жойга кўчиб юради. Чўлнинг ҳали у ерида, ҳали бу ерида қум тепалар пайдо бўлади. Ҳозиргина дўмпайиб турган қумтепа бирпасда қайгадир ғойиб бўлади.

Бўлғуси ҳикоянинг мавзуи топилгандек бўлди. «Одам ва бўрон». Қаҳрамоннинг номини Қўзивой қўяман, деб мўлжалладим.

Чўл ўртасида қурилган янги уйлардан бири яқинда армиядан қайтиб келган Омонтой деган йигитга берилади. У ҳомиладор хотини, яқинда йўлга кирган ўғли билан шу уйга келади. У хотини билан боласини шу ерда қолдириб, юкларини олиб келгани Чустнинг Симсор қишлоғига кетади.

Колхоз раиси Қўзивой қоқ ярим кечада бўроннинг гувиллашидан уйғониб кетади. Симсорга кетган Омонтой келдимикин? Хотини кимсасиз чўлда ёш боласи билан не аҳволга тушаётганикин, деб хавотир олади.

У шошиб кийинади. Отни эгарлайди. Хотини Кокила уни ёлғиз юборгиси келмай, отга мингашиб олади...

Ҳикоянинг буёғида эр-хотин икковининг қум бўронида бўриларга йўлиқиб, минг хил азоблар билан чўлдаги янги уйга келиши тасвирланади.

Эрталабгача ўйлаб, ҳикояни калламда пиширдим. Нонуштадан кейин ёзишга ўтирдим. Ўйлашдан ёзиш қийин. Ёзаман, ўчираман. Кечгача овора бўлиб, охири ҳикояга нуқта қўйдим. Қолган қинғир-қийшиқ жойларини Тошкентда таҳрир қиламан, деб ҳикояни чамадонга ташладим.

Театр Ганжиравонга кетиб бўпти. Э, аттанг. Неча йиллардан бери орзу қилиб, хаёлимда эртакка айланган бу гўшани кўролмайдиган бўлдим. Бир томондан бундан севиндим ҳам. Чунки хаёлимда ўзим яратган Ганжиравоним бор эди. Унда адирларга чинакам яшил бахмал ёпилган, сойлардаги тошлари садафдан, қизлари париларга ўхшайди, йигитлари тулпор миниб, учиб юради.

Агар борсам-у, ҳозиргина тасвирлаб берган манзараларни тополмасам, тасаввурим яратган оламдан айрилиб қоламан, деб қўрқдим.

Кечки поездга ўтириб, Тошкентга қайтдим. «Одам ва бўрон»дан кейин ҳикоя сандиғим очилиб кетди. Қўзивой, Омонтой, Кокилалар тўғрисида анча ҳикоя ёздим. Бирининг номи «Бўстон», бирининг номи «Ер уйғонди» бўлди. «Тўйбоши» ҳам шулар жумласидан.

«Уфқ»ни ёзишдан олдин «Чўл ҳикоялари»ни яна бир марта ҳафсала билан, синчиклаб ўқиб чиқдим. Адабий асар талабларига жавоб бера оладиган дуруст асар бўпти.

Бирданига хаёлимга, «Ахир бу ҳикояларда инсон дарди, изтироблари йўқку?», деган ўй келди.

Биз ҳаммамиз, жами ижодкорлар офтобда куйиб, кечалари чивинга таланиб, қум бўронларида юз-кўзини дока билан ўраб ишлаётган юпун одамларни юрак амри билан ватанпарварлик бурчини адо этгани келган, чинакам фидойи, онгли, илғор совет гражданлари, азамат чўлқуварлар, деб таърифладик.

Аслида шундаймикин? Дўппини олиб қўйиб, бир ўйлаб кўрсам, уларни бу худо қарғаган чўлларга эҳтиёж, муҳтожлик бошлаб келганлиги маълум бўлмайдими? Ким бекордан-бекорга иссиқ ўрнини совутади? Ҳа, улар ўзим емасам ҳам, болаларим нон есин, усти бут бўлсин, велосипед минган болаларга қараб ўксимасин, у ҳам «морожений» есин, магнитофони бўлсин, телевизор кўрсин... деган илинжда бунда ишламоқда-ку!

Бу тўғрида бирон дақиқа бўлсин ўйлаб кўрмадик. Қайтага уларни бахтиёр, тўкин совет оиласи, деб таърифладик. Ҳатто чўл шамолларидан қорайиб сополга ўхшаб кетган юзларини гўзаллик тимсоли, деб тасвирладик. Кетмондан қадоқ бўлиб кетган қўлларини «олтин қўллар» дедик.



Ичингда шунча гап бор экан, нега миқ этмай юрибсан, деб ҳеч ким сўрамади.

Бизга Гоголлар керак, Шчедринлар керак, дейишди. Ўша Гогол бўладиган, Шчедрин бўладиганларни бешигидаёқ гумдон қилишарди.

Ижоднинг онаси — изтироб. Ижод — изтироб фарзанди. Биз буни жуда яхши билардик. Билиб туриб куймай, ёнмай ёзардик. Чунки пролетар адабиётига шеър эмас, шиор керак эди. Социалистик реализм методи қўл-оёғимизни, ҳатто тилимизни ҳам боғлаб қўйганди. Бизда очлар йўқ, очлар чет элда, деса ишонганмиз. Бизда камбағал йўқ, камбағал инқилобнинг нари ёғида қолиб кетган, деса чиппачин ишонганмиз. Ўғриликка, талончиликка муҳтожлик сабаб эканини очиқ айтишга тилимиз боғлиқ эди.

Етмиш йил мобайнида қайси валломат ёзувчи халқ дардини, изтиробини ёзипти? Ўққа учганлар, ертўлалардаги яккахоналарда офтоб кўрмай оламдан ўтганлар, Сибир қаҳратонларида умрини поёнига етказганлар тўғрисида ёзган ҳаққўй ижодкорлар эканларини жуда яхши билардик.

Ҳурматли ўқувчиларимиз бизни кечиришсин. Биз ана шунақа забун ижодкорлар эдик.

Энди мен бўлғуси «Уфқ»ни бошқача ёзишим керак. Одамларнинг ичидаги дардини, юрагини ўртаётган армонларини рўй-рост кўрсатишим керак.

Ёзаётганимда темир кишанлар суяк-суякларигача эзиб ташлаган қўлларим қалтирамасмикин? Ёзаётганимда беш йил кийимимга ёзиб қўйилган рақам кўзларимга кўриниб турмасмикин? «Сут ичиб оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади» қабилидан бўлмасмикин?», деб кўп ўйладим.

Биринчи саҳифанинг бошига, Бисмиллаҳир раҳманир роҳийм, деб ёздим-у, негадир атрофга бир аланглаб олдим...

Романда нималар ёзилганини, азиз ўқувчи, ўзингиз яхши биласиз. Дунёга фақат азоб чекиш учун келган Икромжоннинг ҳаёти сизни жиндак ўйлантириб қўйдими-йўқми, шуни билмоқчиман. Оғир меҳнатдан ўзининг бутун аёллик хислатларини йўқотиб қўйган, эркакка айланиб кетган, Иноят оқсоқол «от қиз» деб атаган Асрора, ёлғиз фарзандининг доғида куйиб, ёниб, ўртаниб, фарёд уриб жон берган Жаннат хола, халқ ризқидан юлиб йиққан бойликлари алангасида ўзи ёниб, жизғанак бўлиб ўлган Иноят оқсоқол, севгилисини тортиб олган сурбет акасидан безган, туғилган уйидан мосуво бўлган, ота қарғиши бир умр қулоғида қолган Низомжон, балоғат ёшига етиб, бутун вужудидан муҳаббат ҳиди анқиб турган ва лекин севгиси саробга йўлиққан Дилдор, йигитлик умрининг сўнгги дамлари тўқайларда бир ваҳшийдек якунланган, бу ҳам етмагандек, шон-шарафсиз кўмилган, гўри ловуллаб ёнган Турсунбой...

Кимсасиз сокин кечада ана шуларни ёзаётганимда, гўё елкамдан орган вакили қараб турганга ўхшарди. Гўё у:

— Икромжон коммунист, ўғлининг хоин бўлиши мумкин эмас. Коммунистни ҳақорат қилма. Она деганда Ватан тушунилади. Жаннат холада ватанпарварлик туйғуси йўқ. Хоин боласидан юз ўгирсин. Шу жойларини қайтадан ёзасан. Асрорани Ленин комсомоли тарбия қилган. У Ленин партияси ғояларига содиқ комсомол. Сен уни ҳам ҳақорат қиляпсан. Нега китобингда улуғ рус оғамизнинг вакиллари кўринмайди? Фронтда жанг қилиб келган Аъзамжонни нега бетайин одам қилиб тасвирлаяпсан? Уни ҳаммага намуна қилиб кўрсат. Низомжон «Пўлат қандай тобланди» китобидаги қаҳрамонлардек бўлиши керак. Ҳушёр бўл, келган жойингга яна обориб қўймайлик... — деяётгандек бўларди.

Шундай пайтларда бир вақтларда кишан сиққан билакларимнинг суяклари зирқираб оғриб кетади.

Кўпинча роман ва қиссаларнинг воқеалари боғларда, шарқираб оқаётган сой бўйларида, гулзорларда ўтади. Роман қаҳрамонлари гуллар ҳидидан маст бўладилар, булбуллар хонишидан хаёлларга толадилар.

Мен тасвирлаётган жой тақир чўл. Бунда эчкиэмарлар вишиллайди, чиябўрилар увиллайди. Инсон кўзини яшнатадиган бирон нарса йўқ.

Бунда фақат осмону сап-сариқ ер.

Гулсиз, булбулсиз романимда гўзалликни одамлар юрагидан топишим керак эди. Кучим борича шундай қилмоқчи бўлдим. Қандоққки детал топсам, Икромжоннинг руҳий изтиробларини кучайтиришга сарфладим. Романда бир детал бор. Бир одам Икромжоннинг деворига оҳак билан «Хоиннинг уйи» деб ёзиб кетади. Икромжон аввал кўрса ҳам сезмайди. Ҳўл оҳак аста-секин қуригандан кейин ёзув оппоқ бўлиб кўриниб қолади. Икромжон ўзини тутади. Аммо ичида унсиз йиғлайди. Военком тумонат олдида орден топшираётганда кимдир уни, хоиннинг отаси, деб овоз беради. Икромжон бир қалқиб кетади. Кейин машаққат билан ўзини ўнглаб олади. У қамишлар орасида ваҳшийга айланган ўғли билан учрашган пайтидаги ҳолатини ёзаётганимда ўзим ҳам титраб кетгандим. Ҳар бир жумлани ёзганимда ўрнимдан туриб кетардим.

Турсунбойнинг гўри ёнаётган тўқай тасвирини роман битганда бошқатдан ёзганман. Ростини айтсам, аввал қамишзорларнинг ёнишини сира кўрмагандим. Шу бўлимни тахминан ёзгандим. Журнал романни боса бошлаганда Мирзачўлга бориб тўқайга ўт қўйганман. Қайтиб келиб, ўша бобни қайтадан ёзиб чиққандим.

Ўқувчилар «Нега романнинг биринчи китобини кейин ёздингиз», деб сўрашади.

Катта Фарғона канали қурилиши худди плакатга ўхшаш тантанали бир ҳодиса эди. Унда инсон изтиробларини, алам-андуҳларини топиб бўлмасди. Гўё қирқ беш кун давомида Фарғона водийсида Ленин айтган коммунизм қурилган эди. Ҳамма нарса бор. Ҳеч ким ҳеч кимга ишла, деб айтмайди. Ҳар ким ўз хоҳиши билан ишлайди. Ишлаганда ҳам қотириб, қойил қилиб ишлайди. Ҳатто кечалари ҳам машъала ёқиб ишлашади. Бу ерда пул ҳеч кимга керак бўлмайди. Ҳамма нарса текин. Одамларга зўрлаб овқат едиришаётганга ўхшаб кетарди. Водийликлар араваларда қўй, қопда гуруч, сабзи-пиёз, сават-сават нон олиб келиб, трасса бўйларига ўчоқ қуриб, дастурхон ёзардилар. Чоллар ўғиллари, невараларини эргаштириб келиб, одамларга аралашиб кетмон чопавердилар. Чанг-тўзонлар орасида раққосалар ўйинга тушардилар. Кечалари минг-минглаб машъалалар ёруғида Ҳалимахонлар, Жўрахону Маъмуржонлар патнис ашула қилардилар. Бир томонда аския, бир томонда қўшиқ.

Шу воқеалардан роман чиқазиб бўладими? Ҳадеб ер қазиди, ҳадеб план бажарди, деб ёзган билан роман бўлмайди-ку? Бунда инсон тақдири, изтироблари бўлиши керак. Ҳатто фожиалар содир бўлиши керак.

Ана шунинг учун ҳам трилогиянинг икки китобини ёзиб, озроқ тажриба орттиргандан кейин бунисини ёзмоқчи бўлдим.

Роман воқеасидан қандайдир кўринмас чизиқ ўтиши керак эди. Шуни кўп ўйладим. Норин дарёси — жуда асов дарё. Далаларга сув бермай пастликларда оқади. Бир жини қўзиганда тошиб далаларни пайҳон қилади.

Ана шу дарё инсон ҳукмига бўйсуниши керак. Роман учун бу етарли эмас. Ўйлаб-ўйлаб, худди шу дарёдай ўжар бир қаҳрамон яратишим керак, деган фикрга келдим. Бу — Азизхон.

Унда енгиб бўлмас бир ёввойи куч бор. У ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини оладиган бежилов дулдул.

Мен уни Норин билан ёнма-ён тасвирламоқчи бўлдим. Норин инсон иродасига бўйсуниши керак. Азизхон фойдали меҳнат оқимига тушиши керак.

Фожиасиз роман бўладими? Албатта, уни сунъий равишда яратиб бўлмайди. Каналда бирорта ҳам одам ўлмаган, биронта ҳам одам қамалмаган, биронта ҳам маст тўполон қилмаган.

Ҳужжатлар билан танишганимда, канал қурилиши иштирокчилари билан гаплашганимда, Тошкент театрларининг биридан келган артисткани эри рашк қилиб сўйиб қўйгани маълум бўлди.

Мен уни артистка деб тасвирламадим. Азизхоннинг севгилиси, қишлоқдаги тўйдан олиб қочиб келган Лутфинисо деган келинчак, деб тасвирладим. Азизхон билан икковлари ўртасидаги ишқ можароларини бутун роман оқимига ёйиб чиқдим. Лутфинисодан ажралиб қолган куёвнинг каналга келиши, уни ҳалок қилиши манзараларини жиндак детективнамо сюжет билан қориштирдим.

Кўп чиройли воқеалар топгандим. Ёзгани қўрқдим. У пайтларда тазйиқнинг қони совумаган, нафас олиб турган пайтлари эди. Яна қамаб қўяди, деб қўрқдим.

Ниҳоят, ўн беш йиллик меҳнатим поёнига етди. Китоб ҳам ўқувчи қўлига тегди. Яхши-ёмон гаплар эшитдим.

Бироқ роман қаҳрамонлари ҳалигача тушларимга киради. Телбага ўхшаб кечалари улар билан гаплашиб чиқаман. Ўн беш йил тўлғоқда туққан фарзандларимни унутишим осонми?

Биласизми, романга сўнгги нуқтани қўйганимда кўнгил бирдан бўмбўш бўлиб қолган. Ҳозир ўйлаб қарасам, ўша пайтдаги ҳолатим ёлғиз қизини узатган бева отанинг уй остонасида мунғайиб, қараб қолишига ўхшаркан...

Мустақил Ўзбекистонимизнинг Конституциясига имзо чекилган кун шундоққина кўз олдимда турибди. Ўша куни Олий Кенгаш депутатларига, узоқ-яқиндан келган меҳмонларга ёзилган дастурхондан мен ҳам бир чимдим насиба олганман.

Одамлар кўзидаги ҳар қандай сохталикдан, ҳар қандай локайдликдан холи бўлган чинакам қувончни, ажиб бир ҳайратни кузатганман. Ўша кундан эътиборан чинакам ҳуқуқий давлатда яшай бошлаганимга иқрор бўлганман.

Баъзилар мустақиллик ўқ отилмасдан, бомба портламасдан қўлга кирди, деб ўйлашади. Мустақиллик дошқозонда дамланган тўй оши, ким қанча хоҳласа, шунча сузиб олаверади, деб билишади. Йўқ, биродарлар, бу қозонга Сибир ўрмонларида, Тайга ботқоқларида офтоб кўрмай оламдан ўтган, уран конларида заҳарланиб, она юртини озод кўриш ниятига етолмай оламдан ўтган, қамоқхона камераларида отиб ташланган жигаргўшаларимизнинг кўз ёшлари томган. Бу дамланган палов юрт ҳасратида армон билан ўлиб кетганларнинг ўзларига буюрмаган насибаларидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олдида ҳилпираб турган байроқлар орасида мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳам байроғи офтобда товланиб, шамолда ҳилпираб турибди.

1999 йили афсонавор Америкага бориш тақдиримга битилган экан. Нью-Йоркка борган кунимоқ шу муқаддас, шу арзанда байроғимизни тавоф қилмоқчи бўлдим. Афсуслар бўлсинки, якшанба куни байроқлар тушириб қўйилар экан. Душанба куни азонлаб яна Бруклинга бордим. Байроқ кўтариш маросимида Нью-Йоркда истиқомат қиладиган ўзбеклар тўпланиб туришган экан. Ўша куни жаҳоннинг энг машҳур шаҳарларидан бирида Ўзбеклар байроғини кўтариш маросимида қатнашиш бахти менга насиб қилди.

Президентимиз Ислом Каримов кечани кеча, кундузни кундуз демай, юрт ташвиши билан яшаяпти. Мустақиллигимизга бахоли қудрат ҳисса қўшаётганларни ардоқлаб, хизматига яраша тақдирлаяпти. Мен ҳам мана шундай олий ҳимматдан баҳраманд бўлган бахтли ижодкорлардан бириман.

Президентимиз камтарин хизматларимни қадрлаб, қанча самимий, дил-дилдан чиққан сўзлар билан «Буюк хизматлари учун» орденини топширди. Бу унутилмас дақиқалар ҳаяжони мени ҳеч қачон тарк этмайди.

Кўксимга энг юксак даражали нишон — «Ўзбекистон Қаҳрамони» олтин юлдузини тақаётганда ўзимни босолмадим. Бир киприк қоққунча ўтган онда бутун умрим кўз олдимдан саф тортиб ўтди. Бошимдан ўтган энг оғир, энг даҳшатли, энг ҳақоратли онлар кўзим олдида туриб қолди. Ўзимни тутолмадим. Ислом Абдуғаниевич бу ҳолатимни сезиб, билагимдан тутди-ю, ўзи ўтирадиган креслога ўтқазиб қўйди. Ҳаяжонимни тарқатиш учун ҳазил аралаш: «Қани, президентлик креслосида бир нафас ўтиринг, қанақа бўларкин», деб кулиб қўйди.

Бу умримнинг энг бахтли дақиқалари эди.

Бу ҳурмат, бу эҳтиромлар мени янада ғайрат билан, янада илҳом билан ижод қилишга, туғишган юртим фуқароларига манзур бўладиган асарлар ёзишимга даъват қиларди.

Азиз Ўзбекистоним, жондан азиз юртимнинг меҳнаткаш фуқаролари, энди қолган умрим сизники! Бутун умримни вужуд-вужудим билан сизга бағишладим.

Буюк шоира онамиз Нодирабегимнинг:

***Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Кайфиятинги баён этиб кет,***

деган талабига энди жавоб бермоқчиман.

Шундоқ азиз, шундоқ ўз эрки ўз қўлида бўлган Ватанда яшамоқ, ижод қилмоқ бахти буюк неъматдир, онажон!

Футбол

# Чемпионнинг мағлубияти



Жаҳон биринчилигининг саралаш ўйинлари муносабати билан ўнинчи миллий чемпионатимизнинг 21 апрелга мўлжалланган "Пахтакор"-"Дўстлик" ва «Насаф» — «Трактор» учрашувлари 18 апрелга кўчирилганди. Шу куни мазкур беллашувларни томоша қилиш учун стадионларга ҳар қачонгидан кўп ишқибозлар ташриф буюришди.

«Пахтакор» стадионига келган мухлислар тўп киритилишини узоқ кутишмади. "Дўстлик"нинг марказий ҳимоячиси Рустам Шоймардоновнинг қўпол хатосидан фойдаланган Мухтор Қурбонов ҳисобни очди. Шундан сўнг ҳар икки жамоа кўплаб ҳужумлар уюштирган бўлса-да, танаффусгача ҳисоб ўзгармади.

Иккинчи бўлимда "Пахтакор" таркибида ўзгариш бўлди. Майдонга тушган Л. Кошелев ва А. Жданов биттадан гол уриб, ҳисобни 3:0 га етказди. Қизиғи шундаки, бу икки гол 3 дақиқа оралиғида киритилди. Аввалига Леонид чамаси 25 метрлардан жарима тўпини қойилмақом қилиб ижро этган бўлса, сал фурсат ўтиб, меҳмонлар дарвозаси олдида ёлғиз қолган Алексейнинг гол уришдан бошқа иложи қолмаганди.

Сергак тортган "Дўстлик"чилар зўр бериб ҳужумга ўтишди. Ва ўйин тугашига бир неча дақиқалар қолганда, фарқни қисқартиришга эришишди — 3:1. Шундай қилиб, чемпион мағлубиятга учради. "Пахтакор" чемпионлик пойгасидаги қимматли уч очкони қўлга киритди.

Қаршида бўлиб ўтган ўйинда ҳам мезбонлар 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Теннис

# Навбат — чорак финалга



Намангандаги "Дўстлик" теннис мажмуида ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақаларининг саралаш ўйинларида мезбонлар Сурхондарё вилояти катта ракетка усталари билан куч синашишди. Жуфтлик баҳсларида наманганликларнинг қўли баланд келди. Беллашувларнинг иккинчи куни якка тартибдаги курашлар авжига чиқди. Бу сафар ҳам мезбонлар меҳмондўстликни унутиб қўйишди.

Хуллас, Наманган вилояти терма жамоаси 5:0 ҳисобида зафар қучиб, кейинги босқичга йўлланма олди. Навбатдаги чорак финал баҳслари Фарғонада бўлиб ўтади.

**Қ.НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мен ЭКОЛОТга ишонаман ва ўйнайман!

***Лотереяда бирор каттароқ ютуқ чиқишига одамлар унчалик ишонавермайдилар. Андижонлик Алижон ота Каримов мисолида айтиш мумкинки, кимки лотереяга ишониб ўйнаса ва яна у ЭКОЛОТ лотереяси бўлса, ҳаттоки «Нексия» автомашинаси ютиб олиш мумкин экан. Ишонмасангиз, Алижон отанинг сўзларига қулоқ тутинг.***



— Мен **ЭКОЛОТ** лотереясини тез-тез ўйнаб тураман. Кўпинча одамлар, пулингизни шамолга совуриб нима қиласиз, дейишади. Ҳаттоки ютуқли лотерея билетини кўриб, ҳеч қандай машинани ололмайсиз, деганлар топилди. Мана, кўриб турганингиздай, қўлимда «Нексиям»нинг калитини ушлаб турибман. Менинг **ЭКОЛОТ**га бўлган ишончим янада ортди. Умр бўйи қилган орзуларимга **ЭКОЛОТ** орқали эришдим — машиналик бўлдим, телевидениега тушдим, Обиджон Асомов билан ҳам учрашдим. Мен **ЭКОЛОТ**га ишонаман ва ўйнайман!

***Обид Асомовнинг бу ҳақда айтган гаплари шундай:***

— **ЭКОЛОТ**нинг рекламасида чиқиб туришимнинг сабаби шундаки, мен биламан — **ЭКОЛОТ** ҳеч қачон алдамайди. Агар инсон автомашина ютиб олса, ютилган автомашинасини тез кун ичида олиб кетиши мумкин. Агар учта автомашина ютган бўлса — ундан ҳам тезроқ ! Менга ишонаверинг, кафилман. **ЭКОЛОТ**да адолат бор. Унинг лотереялари — омад калити.

# «Искандар ва Рахшонак» саҳнада

Шаҳрисабз шаҳар маданият саройи қошидаги Қори Зокир Содиқов номли халқ театрида «Искандар ва Рахшонак» («Қисмат ёки тақдир ўйини») номли 3 пардали, 7 кўринишли асар саҳналаштирилди.

Асосий ғоя — озодлик. Озодликдан улуғ неъмат йўқ. Рахшонак ва Спитаман образлари орқали шу ғоя бадиий тадқиқ этилган. Муаллиф Солижон Пўлатов шу ниятни ифодалаган.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Дипломатлар ҳам теннис ўйнайди

Сеулда Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб дипломатия корпуси ва Корея жамоатчилиги ўртасида теннис турнири бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Корея Республикасидаги элчихонаси «Намсол» теннис клубини ташкил этган. Ушбу мусобақада дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатидан вакиллар, жумладан, Канада, Италия, Бельгия, Голландия, Словакия, Мексика, Венгрия, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар элчилари иштирок этдилар.

Мусобақа якунларига кўра, биринчи ўрин Словакия-Корея жуфтлигига, иккинчи ва учинчи ўринлар эса Италия ва Ўзбекистон элчихоналари вакилларига насиб этди.

Мусобақа ғолиблари ва иштирокчиларига мамлакатимизнинг Корея Республикасидаги элчихонаси томонидан қимматбаҳо соврин ва совғалар топширилди.

Ўзбек миллий ошхонаси таомларининг намойиши эса мусобақаларда ўзига хос мазмун, шарқона кўрк бағишлади.

**«Жаҳон» АА.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ

БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

қуйидаги соҳалар бўйича аспирантурага қабул эълон қилади:

08.00.03 - МАКРОИҚТИСОДИЁТ;
08.00.04 - МИКРОИҚТИСОДИЁТ.

Манзилимиз:
Тошкент ш., «Ўзбекистон» шоҳ кўчаси, 55. 4096

Тел.: 139-21-71, 139-21-25.

Ўзбек-Италия «Агрихим» ҚК
мулкчилик шакли турлича бўлган қишлоқ хўжалик корхоналарига
ҳар турли модификациядаги
ЯНГИ ПУРКАГИЧЛАР
етказиб беради.
Бизнинг пуркагичларимиз - дала, боғлар ва узумзорларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ишончли ҳимоялаш воситаси.
Тошкентдаги телефонлар: 54-84-22,
факс: 54-71-21. 3727

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
БЎШ (ВАКАНТ) КАФЕДРА МУДИРЛАРИ ВА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА БИТИМ АСОСИДА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Хўжалик ҳуқуқи; этика ва эстетика; биофизика; нафис санъатлар; таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик; журналистика факультетининг чет тиллар; аналитик кимё; анорганик кимё; алгебра ва сонлар назарияси; давлат ва ҳуқуқ асослари; давлат конституциявий ҳуқуқи; манбашунослик ва махсус тарих фанлари; ҳамширалар тайёрлови ***кафедралари мудирларига,*** ҳозирги замон ўзбек адабиёти кафедраси ***профессорига,*** фалсафа тарихи ва мантиқ; факультетлараро Ўзбекистон тарихи; нафис санъатлар (2); физика-механика-математика факультетлари учун чет тили кафедралари ***доцентларига,*** тарих факультети учун чет тили кафедраси ***катта ўқитувчисига,*** нафис санъатлар (2); маънавият асослари (0,5) кафедралари ***ўқитувчиларига.***

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

*1) ректор номига ариза;*
*2) ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
*3) олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвони ҳақидаги аттестат нусхалари;*
*4) илмий ишлари рўйхати.*

*Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.*

Манзилимиз: Тошкент-174, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, кадрлар бўлими. Тел. 46-03-92. 4099

Барча зиёли, мураббий, олим устоз ва жамоат ташкилотлари аъзолари ДИҚҚАТИГА!
Ҳурматли таълим заҳматкашлари!

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

***«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш, таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришга оид илғор ғоя, фикр ва таклифларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан институтда ташкил этилган «Ғоялар фонди»да жамлаш, танқидий таҳлил этиш ва улардан амалий фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан***

***«ЭНГ ИЛҒОР ҒОЯЛАР» учун***
ТАНЛОВ эълон қилади

***Танловга олий таълим тизимининг барча жабҳалари — ўқув - услубий, илмий, тарбиявий, молиявий ва ташкилий фаолиятларни такомиллаштириш бўйича илғор фикр, таклиф ва ғоялар қабул қилинади. Институт «Ғоялар фонди»га юбориладиган илғор фикр, таклиф ва ғоялар қуйидаги шаклда бўлиши лозим:***

| № | Ғоя муаллифи, унинг иш жойи ва манзили | Ғояларнинг батафсил моҳияти | Ғояларнинг долзарблиги ва амалий аҳамияти | Ғояларни амалга ошириш йўллари, ташкилий - молиявий механизмлари |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

Танлов ғолибларини қуйидаги мукофотлар кутмоқда:

Битта 1-ўрин учун - 300.000 сўм.
Иккита 2-ўрин учун - 200.000 сўмдан.
Учта 3-ўрин учун - 100.000 сўмдан.

***«Ғоялар фонди» учун фикрлар, таклифлар ва ғоялар қуйидаги манзилга 2001 йил 15 майгача жўнатилсин:***

Тошкент шаҳар, ГСП, Қори-Ниёзий кўчаси, 39,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг «Ғоялар фонди»га.

Маълумот учун телефон 137-19-36, факс 133-14-39. 4095

«ҚАДОҚМАШАВТОМАТ» КБ
газланган менерал сувларни ПЭТ бутилкаларига қуювчи ускуналар жамланмасини тайёрлашга
Буюртма олишни давом эттиради.
шунингдек, қуйидаги жиҳозлар
СОТИЛАДИ:
- Червякли пресс ЧП 63-30 *(экструдер)*.
- Металл қирқувчи ва ёғоч ишловчи ускуналар.
- Чилангарлик верстаклари.
- Кийим учун металл шкафлар.

Тошкент ш., Бобур кўчаси, 77-уйга мурожаат этинг. Тел.: 55-14-70, 55-14-37. 4072

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ДУ-20мм, ДУ-25мм, Ф76х3,5мм, Ф102х3,5мм диаметрли пўлат трубалар ишлаб чиқаради ва савдо қилади.
ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР ФАҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАДИР !
Телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 41-22-61, 144-38-18 /факс/. 4102

Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Тошкент шаҳар бош бошқармаси томонидан 1999 йил 3 ноябрда МЧЖШ «РОЗ Тройдинг Лтд» хорижий корхонасига берилган 2193874028-сонли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНСИН.


Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг жамоаси таҳририят мудири Аҳмаджон Аюповга рафиқаси
**Шарифа ая ТЎХТАЕВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти раҳбарияти, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаси институт ректорининг ёрдамчиси Шуҳрат Қосимовга волидаи муҳтарамаси
**МАҲФУЗА аянинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Маънавият» нашриёти жамоаси Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг бошқарма бошлиғи Жаббор Раззоқовга отаси
**Раззоқ ЖАББОРОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, академик Турсунали Қўзиевга оналари
**ИБОДАТХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент педиатрия медицина институти раҳбарияти ва меҳнат жамоаси «Акушерлик ва гинекология» кафедрасининг собиқ мудири, доцент
**Дельарам ЗОҲИДОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси, «Аналитик кимё» кафедрасининг собиқ мудири, доцент Марфуахон Қудратуллаевна Алавияга умр йўлдошлари
**Рашодхон АЛАВИЙнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Олмос» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви ва касаба қўмитаси 56-сонли дўкон мудири
**Бахтиёр УСМОНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2315, 26639 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.45*
1 2 3 4 5 6